# Ўқувчиларни якуний аттестацияга қўйиш ва синфдан синфга кўчириш тартиблари бўйича ЙЎРИҚНОМА

*«Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида 1996/97 ўқув йилини якунлаш ва битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги буйруқ имзоланди.*

*Биринчи навбатда буйруқ билан умумтаълим муассасалари ўқувчиларини синфдан синфга кўчириш, аттестация қилиш ва мактабни битириш тартиблари тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди. Янги таҳрирдаги бу ҳужжат ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналарнинг таклиф-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.*

*Буйруқда қайд этиладики, барча турдаги умумий таълим мактаблари, махсус мактаб-интернатларнинг 1—11—синфларида ўқув машғулотлари 24 майда, ҳунар таълими муассасаларида эса 30 июнда тўхтатилади.*

*Меҳнат таълими бўйича амалий машғулотлар ўқув режаси асосида ўтказилади. Чақириққача ёшларни тайёрлаш бўйича ўғил болаларнинг ўқув дала машғулотлари ўқув йили якунланиши олдидан 3 кун давомида шу фанга ажратилган дарс соатлари ҳисобига мактаб базасида ўтказилади.*

*Барча турдаги умумий таълим мактабларининг 5—8 ва 10 (11)-синфларида синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ўтказилмайди. Мазкур синфлар ўқувчиларини синфдан синфга кўчириш, уларнинг ярим йиллик ва йиллик баҳолари асосида амалга оширилади. Умумий таълим мактабларининг битирувчи синфларида 9, 11 (12-синфлар) ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари оғзаки, ёзма имтиҳонлар ёки тест синовлари ўтказиш орқали аттестациядан ўтказилади.*

*Барча турдаги умумий таълим муассасалари, шу жумладан, кечки (сменали) мактаблар, катталар таълим марказлари ўқувчиларининг билимини якуний аттестациядан ўтказиш:*

*9-синфларда 26 майдан 7 июнгача;*

*11 (12)-синфларда 26 майдан 14 июнгача амалга оширилади.*

*Умумий таълим мактаблари, шу жумладан, янги турдаги мактаблар, мактаб-интернатлари, кечки (навбатли) умумий таълим мактаблари, катталар таълими марказлари битирувчилари билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:*

*а) Таянч мактабларни битирувчилар учун:*

*- математика - ёзма 30 май*

*- она тили ва адабиёт - ёзма (ижодий баён) 3 июнь*

*- Ўзбекистон тарихи — оғзаки*

*- ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда) - оғзаки*

*- рус тили (ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда) - оғзаки*

*- Жисмоний тарбия*

*б) Ўрта мактабни битирувчилар учун:*

*- Она тили ва адабиёти - ёзма (иншо) 31 май*

*- математика - ёзма 4 июнь*

*- физика - оғзаки*

*- кимё - оғзаки*

*- хорижий тиллар (инглиз, француз, немис) - оғзаки*

*- Ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)- оғзаки*

*- рус тили (ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда) - оғзаки*

*- Жисмоний тарбия*

*Жисмоний тарбиядан кундузги умумий таълим мактабларининг IV, IX, XI синф ўқувчилари имтиҳон топширадилар.*

*Лицей, гимназия, иқтидорли болалар ўқийдиган мактаб-интернатлар, айрим фанлар чуқурлаштириб ўргатиладиган мактаблар ёки синфлардан (V-XI синфлар), катталар таълим марказларида бир ёки икки махсус фандан қўшимча имтиҳон киритилди. Махсус фан бўйича имтиҳон материаллари ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан тузилиб, метод бирлашма муҳокамасидан ўтказилгач, директор томонидан тасдиқланади.*

*Умумтаълим мактабларининг 4-синфларида (таълимнинг 1-босқичи) ва битирувчи IX, XI синфларида жисмоний тарбиядан имтиҳонлар 1997 йил 12 майдан 22 майга қадар ўтказилади.*

*Махсус мактаблар, мактаб-интернатларнинг кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар, заиф эшитувчи, полиомиелит ва церебрал шол, нутқида нуқсони бўлган, ақлий ривожланиши кечиккан ўқувчилар учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларида белгиланган муддатларда битириш имтиҳонлари ўтказилади. Бундай мактабларда жисмоний тарбиядан имтиҳонлар ўтказилмайди.*

*Кар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари, катталар (кар болалар) таълими марказларида она тили ва адабиёти фанидан (баён), математика фанидан ёзма, кўзи ожиз, заиф кўрувчи ва полиомиелит билан касалланган болалар мактаб интернатларида имтиҳонлар умумий таълим мактаблар дастури бўйича ўтказилиб, мазкур мактабларнинг битириш имтиҳонлари материаллари ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан тузилиб, метод бирлашмада муҳокама қилингандан сўнг, директор томонидан тасдиқланади.*

*Ақли заиф болаларнинг махсус мактаблари, мактаб-интернатларида меҳнат таълими бўйича битириш имтиҳонлари ўтказилади. Имтиҳонларнинг ўтказилиш муддати мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланади.*

*Ҳунар таълими ўқув муассасаларида қуйидаги умумий таълим фанларидан амалдаги дастур асосида имтиҳонлар ўтказилади;*

*ИККИНЧИ КУРСЛАРДА:*

*- Математика - ёзма*

*- Физика - оғзаки*

*- Кимё - оғзаки*

*- Тарих - оғзаки*

*- Ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган курсларда) - оғзаки*

*УЧИНЧИ КУРСЛАРДА:*

*- Инсон ва жамият - оғзаки*

*- Она тили ва адабиёт — ёзма (иншо)*

*- Ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган курсларда) - оғзаки*

*- Рус тили (ўқиш ўзбек тилида ўқитиладиган курсларда) - оғзаки*

*- Жисмоний тарбия*

*Ҳунар таълимига оид махсус фанлар бўйича имтиҳонлар амалдаги ўқув режа ва дастурлар асосида ўтказилади. Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоятлар марказларида компьютерлар билан таъминланган, қулай шарт-шароит ва имкониятга эга бўлган умумий таълим мактаблари XI синф ўқувчиларининг билим ва кўникмалари ЭҲМ ёрдамида тест-синовлари асосида (физика-химия, чет тили — рус тили (ўзбек мактабларида), чет тили — ўзбек тили (рус мактабларида)дан ўтказиладиган оғзаки имтиҳонлар) икки босқичда блок тизими тарзида аттестация қилиниши мумкин.*

*Ўқувчиларни касаллиги туфайли тиббиёт комиссияси хулосаси асосида битириш имтиҳонларидан озод қилиш ҳуқуқи «Умумтаълим мактаби ўқувчиларини касаллиги туфайли синфдан синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 22 майдаги 99-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1995 йил 23 майдаги 230-сонли қўшма буйруғига ҳамда ушбу буйруқ билан тасдиқланган йўриқнома асосида амалга оширилади.*

*Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси 1997 йил 1 апрелгача рус ва ўзбек тилларида чоп эттириладиган имтиҳон билетларини (рисола шаклида) ҳамда кўп вариантли дискетларни олиш учун (ҳисоб рақами ва банк коди кўрсатилиши керак) буюртмаларни Республика Таълим Маркази ҳисобхонасига жўнатиши лозим.*

*Битирувчи синфлар ўқувчилари билимини аттестация қилиш бўйича таълим муассасалари олиб борган ишлар, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари тўпланиб, 10 июлга қадар Республика Таълим марказига юборилади ҳамда Таълим маркази ўз навбатида уларни умумлаштириб, Вазирлик Ҳайъати мажлиси муҳокамасига киритишни таъминлайди.*

*Марказий Осиё Республикалари ва Қозоғистон ҳудудларидаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар битирувчи синфларини имтиҳон материаллари билан таъминлаш (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 17 июлдаги 142-буйруғига асосан) қуйидаги вилоят халқ таълими бошқармалари зиммасига юкланди:*

*Андижон вилояти (Қирғизистон Республикасига),*

*Тошкент вилояти (Қозоғистон Республикасига),*

*Самарқанд вилояти (Тожикистон Республикасига),*

*Хоразм вилояти (Туркманистон Республикасига).*

*Республика Таълим Маркази зиммасига қуйидаги вазифалар юкланди:*

*1997 йил 1 майгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча умумий таълим мактаблари, шунингдек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз тилларида ўқитиладиган мактаблар учун битириш имтиҳонлари материалларини тегишли республика Халқ таълими вазирликлари билан келишган ҳолда тайёрланади ва уларни кўп нусхада кўпайтириб, вилоятлар таълим муассасаларига етказиш;*

*жорий йилнинг 20 майигача Қорақалпоғистон Республикаси хаХлқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг имтиҳонлар ЭҲМ ёрдамида ўтказиладиган мактаблари учун кўп вариантли дискетлар билан шартнома асосида таъминлаш, имтиҳонлар блок тизимида ўтказиладиган мактабларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатишни амалга ошириш.*

## 1. ЎҚУВЧИЛАРНИ УМУМИЙ АТТЕСТАЦИЯГА ҚЎЙИШ ВА СИНФДАН СИНФГА КЎЧИРИШ ТАРТИБИ.

1. 1. Билими, малакаси ва кўникмалари умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув дастурида белгиланган талабларга жавоб бера оладиган I-VIII, X синф ўқувчилари синфдан синфга кўчирилган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган IX, XI (XII) синф ўқувчилари эса, мактабни битирган ҳисобланадилар.

Ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш ва битириш масалалари мактаб (педагогика) кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

1. 2. 1-синф ўқувчилари тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида ўқув муассасаси педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади. Бошқа ҳолларда 1-синф ўқувчилари синфда қолдирилмайдилар.

1. 3. Умумий таълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг билими ва кўникмалари бўйича йиллик баҳолари уларнинг чорак, ярим йиллик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан 3-5 кун олдин чиқарилади.

Умумтаълим муассасаларининг 10-синфларида меҳнат таълими бўйича йиллик баҳолар ўқувчиларнинг меҳнат практикаси тугагандан сўнг қўйилади.

1. 4. II-VIII ва X (XI) синфлардан кейинги босқич синфга барча ўқув предметларидан ижобий йиллик ва якуний баҳоларга эга бўлган ўқувчилар ўтказилади. Шу синфларнинг 1 ёки 2 фандан ўзлаштира олмаган ўқувчилари ўқув йили тугагандан сўнг 2 ҳафта ўтгач ёзма ёки оғзаки, ёхуд тест синовларидан ўтказилгач педагогик кенгаш қарори билан синфдан-синфга кўчириладилар.

— Уч ва ундан ортиқ предметлардан қониқарсиз баҳоланган ўқувчилар мактаб педагогика кенгаши қарорига асосан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади.

Изоҳ: Ўқувчиларнинг соғлиги бўйича меҳнат ва жисмоний тарбия машғулотларидан озод этилишлари уларни синфдан синфга кўчириш ёки ва мактабни битиришларига таъсир кўрсатмайди.

1. 5. Айрим ўқувчиларни такроран синфда қолдирилганлиги ёки кейинги синфга кўчириш ва битиришни маълум муддатнинг кечиктирилганлиги ҳақидаги педагогика кенгашнинг қарори 3 кундан кеч бўлмаган муддатда ўқувчига ва унинг ота-оналарига ёзма равишда маълум қилинади.

Мактаб (педагогика) кенгаши ўқувчи ёзги топшириқларни бажармагани тақдирда уни синфда қолдириш ҳуқуқига эгадир.

1. 6. Фанларни ўзлаштирмаган ўқувчи саломатлиги тўғрисида нохуш тиббий хулосалар мавжуд бўлса, мактаб (педагогика) кенгашининг қарорига асосан, ота-онасининг розилиги билан ўқувчига тиббий педагогик комиссия йўлланмаси билан ўз ўқишини давом эттириб кета олиши мумкин бўлган махсус ўқув муассасасига йўлланма берилади.

1. 7. Барча фанлар бўйича ўқув дастурларни ўзлаштирган IX ва XI (XII) синф ўқувчилари якуний аттестацияга қўйиладилар.

1-2 предмет бўйича қониқарсиз йиллик баҳога эга бўлган IX, XI (XII) синф ўқувчиларини якуний аттестацияга қўйиш масаласини мактаб (педагогика) кенгаши ҳал қилади.

## 2. БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯСИ.

2. 1. Барча турдаги умумий таълим муассасаларининг II ва III босқичлари ўқув дастурларини ўзлаштириш бўйича битирувчиларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш ёзма ёки оғзаки имтиҳонлар, тест синовлари шаклида амалга оширилади. IX, XI (XII) синфлар ўқувчиларининг якуний аттестациясида топширилиши мажбурий бўлган фанлар бўйича битириш имтиҳонлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

2. 2. Битирувчи IX, XI (XII) синфлар учун якуний аттестация материаллари (иншо мавзулари, математика бўйича топшириқлар, оғзаки имтиҳон билетлари, кўп вариантли тест-синов топшириқлари ёзилган дискетлар) Республика Таълим Маркази томонидан тайёрланади.

Билетларга иловалар умумий таълим муассасаларининг метод бирлашмалари томонидан тайёрланади ва мактаб директори тасдиқлайди. Имтиҳон билетларига иловалар тайёрлашда умумий таълим муассасаларига Давлат тест маркази томонидан чиқарилган «Ахборотнома»лардан фойдаланишга рухсат берилади.

2. 3. Умумий таълим муассасаларининг IX, XI (XII) синфлар битирувчилари якуний аттестациясини шу ўқув муассасаси (педагогика) кенгаши тасдиқлаган имтиҳон ҳайъати томонидан амалга оширилади.

2. 4. Фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича барча жавобгарлик имтиҳон ҳайъати раиси, умумий таълим муассасасининг директори, у йўқ пайтларда унинг вазифасини бажарувчи шахс зиммасида бўлади. Имтиҳон олинаётган фандан шу синфга дарс берувчи (педагогика) имтиҳон ҳайъатининг раиси бўла олмайди.

2. 5. Ўқувчиларни чет элларда халқаро алмашиш йўли билан таълим олаётган битирувчиларнинг якуний аттестацияси ҳақидаги масала Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

Бошқа йўналишлар бўйича чет элларда таълим олган ўқувчилар билимини якуний аттестация қилиш ушбу йўриқнома асосида умумий тартибда амалга оширилади.

2. 6. Имтиҳонлардан қониқарсиз баҳолар олган IX, XI (XII) синф ўқувчиларига охирги имтиҳондан кейин камида 2 ҳафта муддатдан сўнг қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади.

— 3 ва ундан ортиқ предметдан «қониқарсиз» баҳо олган IX синф ўқувчилари қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади.

— XI (XII) синфларда барча ўқув фанларидан йиллик ва якуний баҳолари ижобий бўлган ўқувчилар ўрта мактабни битирган ҳисобланадилар.

2. 7. Ўқиганлиги ҳақида маълумотнома олган ўқувчилар 1 йилдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Экстернат тариқасида имтиҳонлар топшириш тўғрисида»ги йўриқнома асосида қайта битириш имтиҳонларини қайта топшириш ҳуқуқига эгадирлар.

2. 8. XI (XII) синф битирувчиларининг меҳнат (бошланғич касб) тайёргарлиги танлаган ихтисоси бўйича имтиҳон топшириш билан якунланади.

2. 9. Бу имтиҳонлар мактаб ишлаб чиқариш комбинати, катталар таълим маркази маъмурияти ҳамда таянч корхоналар билан келишилган муддатларда, лекин умумий таълим фанлари бўйича битириш имтиҳонлари бошланишидан камида 2 ҳафта олдин ўтказилади. Касб ихтисоси бўйича имтиҳонлар таркиби корхона, ташкилот (база ташкилоти) ва ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларининг буйруғи билан тайинланган имтиҳон ҳайъати томонидан қабул қилинади.

## 3. ЁЗГИ ТОПШИРИҚЛАР ВА ТАКРОРИЙ ИМТИҲОНЛАР.

3. 1. Барча турдаги умумий таълим мактаблари томонидан синфдан синфга кўчиши маълум муддатга қолдирилган ўқувчиларга ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари фанлар бўйича амалдаги дастур асосида умумий таълим мактаблари томонидан тузилади.

3. 2. Ёзги топшириқлар олган ўқувчиларга амалий ёрдам сифатида гуруҳ ёки якка тарзда машғулотлар уюштирилади. Бундай машғулотлар жадвали мактаб директори томонидан тасдиқланади.

3. 3. Ёзги топшириқлар олган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ўтказиладиган такрорий имтиҳонлар жадвали ёзги таътилга чиқишдан 3 кун олдин эълон қилинади.

3. 4. Такрорий битириш имтиҳонларини ўтказиш муддатини туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланади.

3. 5. Такрорий имтиҳонни муваффақиятли топширган ўқувчилар мактаб педагогика кенгаши қарори билан синфдан синфга кўчирилади.

## 4. ЎҚУВЧИЛАРНИ БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДАН ОЗОД ЭТИШ.

4. 1. Алоҳида ҳолатларда фанларни ижобий ўзлаштираётган ўқувчилар («Аъло даражадаги таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома», «Аъло даражали ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома»ни олиш учун даъвогарлик қилаётган ўқувчилар бундан мустасно) якуний аттестациялардан (битириш имтиҳонларидан) таянч маълумот бўйича туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, ўрта маълумот бўйича эса вилоят халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари асосида, қуйидаги ҳолатларда

а) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари томонидан тасдиқланган касалликлар рўйхатига асосан соғлиги бўйича;

б) Халқаро олимпиадаларда, спорт мусобақаларида ва ўқувчиларнинг мусиқа танловларида иштироки муносабати билан;

в) Болаликдан ногиронлар озод этиладилар.

Болаликдан ногирон болалар тиббий муассасаларда даволанаётган бўлсалар, даволаниш муассасаларидан берилган баҳоларга асосланган ҳолда шаҳодатнома ва гувоҳномаларни доимий ўқиган мактабларидан оладилар.

4. 2. Ўқувчилар, яшаш жойининг ўзгариши (Республикадан ташқарига чиқиш) муносабати билан шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатларга асосан битириш имтиҳонларини муддатидан илгари топшириши мумкин.

4. 3. Ўқувчи йиллик ижобий баҳоларга эга бўлиб, соғлиги туфайли битирув имтиҳонларидан озод этилган ҳолларда таълимни бошқарув муассасаси қуйидаги ҳужжатларга асосланган ҳолда буйруқ қабул қилади.

а) Ўқув муассасаси жойлашган ҳудуддаги даволаниш муассасаси тиббий-назорат комиссияси (ВКК) нинг, мактаб шифокори, қишлоқ жойларда эса туман Бош педиатри билан келишган ҳолдаги тиббий хулосалари;

б) Мактаб педагогика кенгашинининг қарори ва расмий хати;

в) Ўзлаштириш табели.

Ушбу банднинг «б» ва «в» бандларида кўрсатилган ҳужжатлар директор имзоси ва мактаб муҳри билан тасдиқланади.

4. 4. Якуний аттестациялар даврида касал бўлган ва имтиҳонлар тугашигача тузалиб чиққан ўқувчилар педагогика кенгаши қарорига кўра қолдирилган имтиҳонларни топширадилар. Имтиҳонларнинг бир қисми такрорий имтиҳонлар топшириш даврида ўтказилиши ҳам мумкин.

## 5. БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.

5. 1. Битирувчи синфларда имтиҳонларни ўтказиш вақти Халқ таълими вазирлигининг буйруғида кўрсатилган муддатларда ўтказилади.

5. 2. Имтиҳонлар мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Жадвал ўқувчилар ва ўқитувчилар атрофлича танишиб олишлари учун имтиҳонлар бошланишидан камида 10 кун олдин осиб қўйилади.

Имтиҳонлар жадвалини тузишда қуйидагиларга эътибор берилади:

— бир синфда бир кунда бирдан ортиқ имтиҳон ўтказилмайди;

— ўқув предметлари бўйича ўтказиладиган имтиҳонлар оралиғи 2 кундан кам бўлмаслиги керак;

— бир предметдан ёзма ва оғзаки имтиҳон киритилган бўлса, аввал ёзма имтиҳонлар ўтказилади.

5. 3. Имтиҳонларда ўқувчилар билими, малакаси ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳам бир предметнинг амалдаги ўқув дастури асосида белгиланади.

5. 4. Умумий таълим мактабларининг IX синфларида она тилидан баёнлар ёзишга 3 астрономик соат, математика ёзма имтиҳонига 3 астрономик соат ажратилади. XI (XII) синфларда иншо учун 6, математикадан ёзма иш учун 4 астрономик соат ажратилади. Тест-синов топшириқларини бажариш учун 2 астрономик соат ажратилади.

5. 5. Ёзма имтиҳонлар учун энг ёруғ ва кенг хоналар ажратилади. Ёзма имтиҳонларда IX, XI (XII) синф ўқувчилари партaларга (стол) биттадан жойлаштириладилар.

Битирувчи XI (XII) синфларнинг ёзма (иншо) имтиҳонларида ўқувчиларга имтиҳон ҳайъатининг розилиги билан ўз иншоларига киритиладиган парчаларни, айрим матнларни аниқлаб олишлари учун бадиий адабиётлардан фойдаланишларига рухсат этилади. Лекин мавзу мазмунини таҳлил этувчи манбалардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Бошқа фанлардан ўтказиладиган имтиҳонлар пайтида ўқувчилар харита, глобус, турли жадваллар, чизмалар, муляж, гербарийлар, микропрепаратлар, лаборатория асбоб-ускуналардан ва бошқа воситалардан фойдаланишларига рухсат берилади.

Ўқувчиларга ёзма имтиҳонлар ва оғзаки жавобларни тайёрлашлари учун мактаб тамғаси туширилган алоҳида варақалар берилади.

5. 6. Ёзма ишни бажариб бўлган ўқувчи ўз ишининг хомаки нусхаси билан бирга имтиҳон ҳайъатига топширади. Белгиланган вақтда ёзма ишни туғаллай олмаган ўқувчилар уни тугалланмаган ҳолда топширадилар.

5 7. Ёзма ишларни бажариш чоғида ўқувчилар 5-10 минутча синфдан ташқари чиқишлари мумкин. Бундай ҳолларда ўқувчи ёзма ишларини имтиҳон ҳайъатига топширади. Имтиҳон ҳайъати эса ёзма ишга ўқувчининг қанча муддат синфдан ташқарида бўлган вақтини белгилаб қўяди.

5. 8. Имтиҳон тугагандан сўнг ёзма ишлар имтиҳон ҳайъати томонидан мактабдан чиқмаган ҳолда текширилади. Текшириб улгурилмаган ёзма ишлар сақлаш учун мактаб директорига топширилади. Иншолар, баёнларда йўл қўйилган хатолар сони амалдаги тартибда алоҳида қайд этилади. Иншолар, баёнлар, математика бўйича ёзма ишлар «2» ва «5» билан баҳоланган ўқувчилар ёзма ишларига қисқача тақриз ёзилади.

5. 9. IX, XI (XII) синфларда иншолар, баёнлар бўйича ёзма ишларга 2 та баҳо қўйилади.

5. 10. Ўрта мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан битиришга даъвогарлик қилаётган ўқувчиларнинг ёзма ишларини имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан имтиҳон якунлангандан кейин бир кун давомида текширилади.

5. 11. Барча турдаги умумтаълим мактабларида имтиҳонлар эрталаб соат 8.30 дан бошланади. Мактабда битирувчи синфлар сони кўп бўлган тақдирда имтиҳонларни икки босқичда (смена) ўтказишга рухсат берилади.

5. 12. «Алгебра ва анализ асослари» предметидан имтиҳонларда вариантларни аниқлаш ва топшириқ тартиб рақамини белгилаш, шунингдек, адабиётдан ўтказиладиган иншо мавзуларини танлаш, имтиҳон бошланишидан олдин, барчанинг иштирокида иншолар мавзуси солинган конвертни танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Имтиҳонларда ёзиладиган баён матнларни туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан юборилган бўлса, конвертлар имтиҳон комиссияси раиси томонидан ҳаъйат аъзолари иштирокида имтиҳон бошланишидан 30 минут олдин очилади. Иншолар, баёнлар мавзуси, шунингдек, математика бўйича масала ва мисоллар синф доскасига аниқ тушунарли ҳолда ёзиб қўйилади.

5. 13. Оғзаки имтиҳонларни топширишда ўқувчиларнинг сони 20 дан ортиб кетган тақдирда имтиҳонлар 2 гуруҳда кетма-кет бир кунда ўтказилиши мумкин.

5. 14. Имтиҳонларга тайёрланиш учун ўқувчиларга 15-20 дақиқа ажратилади.

Имтиҳон ҳайъати аъзолари, имтиҳон топширувчи ўқувчининг билет бўйича жавобларини диққат билан бўлмасдан тинглайдилар. Ўқувчига билетда қўйилган топшириқлар доирасида қўшимча саволлар бериш мумкин. Агар ўқувчи билет саволига жавоб бера олмаса, имтиҳон ҳайъати томонидан унга иккинчи марта билет олишга рухсат берилади.

5. 15. Имтиҳон топширувчи ўқувчи томонидан оғзаки ёки ёзма имтиҳонларни топшириш жараёнида белгиланган тартибни бузган тақдирда имтиҳон ҳайъати томонидан у имтиҳонларни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин, бу ҳақда имтиҳон баённомасига ёзиб қўйилади.

5. 16. Ҳар бир предмет бўйича оғзаки ва ёзма имтиҳонлар ўтказилгач, имтиҳон ҳайъати барча ўқувчиларга имтиҳон ва якуний баҳоларни қўядилар ва уларни имтиҳон баённомасига киритадилар. Имтиҳон баённомаси шу предмет бўйича имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан имзоланади.

5. 17. Ўқувчиларни ёзма ёки оғзаки имтиҳонлар бўйича баҳолаш жараёнида имтиҳон ҳайъати аъзолари ўртасида келишмовчилик вужудга келган тақдирда бу масала ҳайъат аъзолари ўртасида овозга қўйиш асосида ҳал этилади. Бундай ҳолларда имтиҳон ҳайъати аъзоларининг алоҳида фикрлари имтиҳон баённомасига киритилади.

5. 18. Ўқувчиларга якуний баҳо қўйишда қуйидагиларга амал қилинади:

а) якуний баҳо ўқувчининг чоракларда олган баҳоларини ҳисобга олган ҳолда йиллик ва имтиҳонда олган баҳоларига асосан белгиланади;

б) ўқувчи имтиҳонлардан «қониқарсиз» баҳоланган тақдирда унга ижобий якуний баҳо қўйилмайди.

XI (XII) синфда ёзилган иншо учун иккита баҳо қўйилади:

— биринчиси (суратда) адабиётдан мавзу мазмуни учун;

— иккинчиси (махражда) она тилидан саводхонлиги учун;

Битирувчи XI синфда адабиёт фани бўйича якуний баҳо X, XI (XII) синфлардаги йиллик баҳолар асосида чиқарилади.

Ўқув машғулотлари олиб бориладиган тиббий муассасаларда даволанаётган битирувчи синф ўқувчиларига баҳо қўйишда шифохона қошида ташкил этилган умумий таълим муассасаси томонидан қўйилган баҳолар инобатга олинади.

5. 19. Ўқувчиларнинг оғзаки имтиҳонларда олган баҳолари, шу синфда имтиҳонлар якунланиши биланоқ уларга маълум қилинади. Ёзма ишларнинг баҳолари эса шу фан бўйича оғзаки имтиҳонлар ўтказилгунга қадар эълон қилинади.

Ёзма иш натижаларидан, (шунингдек, тест-синовлари компьютерларда олинганда техника носозлигидан) норози бўлган битирувчи синф ўқувчилари имтиҳон баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган холис комиссияга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. 20. Тест синовлари асосида олинадиган битириш имтиҳонлари икки астрономик соатга мўлжалланиб, 50 тагача бўлган топшириқни ўз ичига олмоғи лозим.

5. 21. Имтиҳон тест-синов топшириқлари асосида компьютерда ўтказиладиган мактабларда имтиҳонлардан 15 кун аввал 10 кишилик гуруҳга мўлжаллаб компьютер синфи (хонаси) тайёрлаб қўйилади.

5. 22. Имтиҳон ўтказилиши олдидан техника учун жавобгар муҳандис ва имтиҳонга масъул киши ўқувчилар олдида компьютерга топшириқларнинг янги вариантини жойлаштиради, сўнгра имтиҳон учун берилган вақт, унинг қачон тугаши, риоя қилиниши лозим бўлган тартиб қоидалари қисқача эслатилади ва белгиланган дақиқада синов бошланганлиги эълон қилинади.

5. 23. Тест-синов топшириқлари ва уларнинг жавобларини баҳолаш мезони ҳар бир топшириқ учун ажратилган вақт компьютер хотирасига жойлаштирилади. Тест топшириқларининг ҳар бир саволини бажариш учун 1,5 дақиқа вақт ажратилади.

Компьютерда кўрсатилган натижа ўқувчига ўша заҳоти маълум қилинади ва бу баҳо ўқувчининг имтиҳон варақасига қайд этилади. Камида икки кишидан иборат имтиҳон олувчиларнинг имзоси қўйилади.

## 6. ТАЯНЧ ВА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТОПШИРИШ.

6. 1. Мактаб (педагогика) кенгашлари қарорига асосан, (II босқич) мактабни тугатган ўқувчиларга таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома , ўрта (III босқич) мактабни тугатганларга ўрта маълумот ҳақида шаҳодатнома берилади. Ўқувчилар таянч ва ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома ва шаҳодатномаларни қайси мактабда ўқиган бўлсалар ўша мактабдан оладилар. Агар битирувчи синф ўқувчиси ўқув машғулотлари ташкил қилинган даволаниш муассасалари (шифохона, санаторийлар)да даволанаётган бўлса, шу жойдаги баҳоларга асосланган ҳолда шаҳодатномани доимий ўқиган мактабдан олади.

6. 2. Таянч маълумот ҳақидаги гувоҳномага ўқувчининг VIII-IX синфларни ўқув режаларида кўрсатилган барча фанлар бўйича ҳамда хулқи учун баҳолар қўйилади.

Ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномага ўқувчининг хулқи ва X-XI (XII) синфларнинг ўқув режасига киритилган барча фанлардан ўзлаштириши бўйича олган табелдаги якуний баҳолари қўйилади.

6. 3. Ҳар бир фан бўйича баҳо гувоҳнома ва шаҳодатномаларга (ўзлаштириш бўйича якуний баҳолар табели) рақам билан қавс ичида сўз билан «5» (аъло), «4» (яхши), «3» (қониқарли), синов (зачёт) тизими қабул қилинган айрим фанлар бўйича эса «синовдан ўтди» ёки «синовдан ўтмади» деб тўлдирилади. Ўқувчининг хулқи намунали «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» деб белгиланади.

6. 4. Ўқувчилар ўзларига тааллуқли бўлмаган сабабларга кўра айрим фанлардан баҳоланмаган бўлсалар, таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома ҳамда ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатноманинг фанлар бўлимига «ўрганилмаган», соғлиги туфайли жисмоний тарбия, меҳнат таълими машғулотларидан озод қилинган ўқувчиларнинг таянч ва ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатларига «озод этилган» деб ёзиб қўйилади.

6. 5. Факультатив курсларни ўрганган битирувчи синф ўқувчиларининг гувоҳнома ва шаҳодатномаларнинг, якуний баҳолар табелига қайси факультатив курсини ўқиганлиги ёзиб қўйилади, аммо баҳо қўйилмайди.

6. 6. Имтиҳонлардан озод этилган битирувчи синф ўқувчиларига табели асосида йиллик баҳолар қўйилган, гувоҳнома ва шаҳодатномалар берилади.

6. 7. Ўғил болалар учун чақириққача ёшларни тайёрлаш таълими бўйича шаҳодатномага қўйиладиган якуний баҳолар X ва XI (XII) синфлардаги йиллик ҳамда назорат машғулотлардан олган баҳолар асосида қўйилади.

Фуқаро мудофааси ва тиббий-санитария билим асослари курси бўйича қиз болаларга кундалик баҳолар асосида йиллик баҳо қўйилади, лекин шаҳодатномаларга якуний баҳо қўйилмайди.

6. 8. Маълум касбни эгаллаган ва мутахассислиги бўйича имтихонларни ижобий топширган битирувчи XI синф ўқувчиларининг шаҳодатномаларига эгаллаган касби (разряд, класс, тоифа) расмийлаштирилади.

6. 9. Катталар таълим марказларида маълум касбни эгаллаган ва мутахассислиги бўйича имтиҳонларни ижобий топширган битирувчиларга эгаллаган касби бўйича (разряд, класс, тоифа) белгиланган тартибда гувоҳнома берилади.

6. 10. Кундузги мактаб қошида уларнинг таркибида ташкил этилган кечки мактабларнинг синфлари ёки гуруҳлари ва катталар таълим маркази битирувчиларининг маълумоти ҳақидаги ҳужжатларида «Кечки (сиртқи) синф (гуруҳ)да ўқийди» деб ёзилади.

6. 11. Таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома ва ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномани фақат қора туш билан чиройли, аниқ қилиб қўл билан тўлдирилади, ҳужжат мактаб директори томонидан имзоланади. Мактаб муҳри ҳужжатга аниқ ва ўқилиши осон бўладиган ҳолатда туширилиши керак. Битирув ҳужжатларини тўлдиришга, ёки ўчирилиш ёки ўчириб қайта тўғрилашга, бирор графанинг тўлдирилмай қолишига йўл қўйилмайди.

Маълумот ҳақидаги ҳужжатларга битирувчи IX-XI (XII) синф ўқувчисининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, паспортига ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига қатъий риоя қилинган ҳолда тўлиқ ёзилади. Маълумот бўйича ҳужжат бераётган мактабнинг тартиб сони, номи, қайси муассасага қарашлилиги тўлиқ кўрсатилади.

6. 12. Ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномалар ўрта маълумот ҳақидаги аттестатларни бериш ва ҳисобга олиш дафтарига, таянч таълимни битирганлик ҳақидаги ҳужжатларни таянч таълим тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш ва ҳисобга олиш дафтарига қайд қилинади.

6. 13. Республикада бошқа вазирлик ва идоралар тасарруфида бўлган умумтаълим мактабларидан ўқувчиларга таянч таълим бўйича гувоҳнома, ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномаларни бериш Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган йўриқнома асосида амалга оширилади.

6.14. «Таянч таълим тўғрисидаги гувоҳнома»лар, «Ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома»лар IX, XI, (XII) синфларнинг битирувчиларига мактабда тантанали вазиятда топширилади.

6. 15. Гувоҳнома ва шаҳодатномаларнинг берилиши қанчалик тўғри ташкил этилганлигини назорат қилиш вилоятлар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва бошқармаларнинг зиммасидадир.

## 7. АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАРНИ МУКОФОТЛАШ.

7. 1. Барча фанлардан йиллик якуний баҳолари «5», хулқи «намунали» бўлган, синфдан синфга кўчирилувчи ўқувчилар мактабнинг «Мақтов ёрлиғи» билан тақдирланадилар.

7. 2. Барча фанлардан йиллик ва якуний баҳолари «5» бўлган, хулқи «намунали» битирувчи тўққизинчи синф ўқувчиларига «Таянч маълумот ҳақидаги аъло даражали гувоҳнома» берилади.

7. 3. Барча турдаги мактабларнинг X -XI (XII) синфларида ўқиш давомида ҳамма фанлардан йиллик баҳолари «5» бўлган, якуний аттестациялар давомида қўйилган ҳамма битириш имтиҳонларини «5» баҳога топширган, хулқи «намунали» бўлган ўқувчиларига «Аъло даражали ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома» берилади.

7. 4. Битириш имтиҳонларида озод этилган IX, XI (XII) синф битирувчиларига аъло даражали гувоҳнома ва шаҳодатнома берилмайди.

**Изоҳ: синфларнинг тартиб рақами кўрсатилганда қавс ичида «(XII)» шаклида белгиланган рақам катталар таълим марказлари, кечки (сиртқи) мактабларнинг синфлари ва гуруҳларига тааллуқлидир.**

